

# ANALYSIS OF TEXT CONCEPTS

**Z. Yigitalieva,**  
Fardu Senior Lecturer,

Textual linguistics was formed in the 70s and 80s of the twentieth century as a separate branch of linguistics. Although the text, which is the main object of study of text linguistics, is currently being studied in terms of discursive text analysis, semiotics, narratology and psycholinguistics, linguistics is still the only term. We can see from the definitions of the term text in the literature that it is a broad concept.

## МАТН ТУШУНЧАСИГА ОИД ҚАРАШЛАР ТАХЛИЛИ

**З.Йигиталиева,**  
Фарду катта ўқитувчиси, ф.ф.ф.д.

Матн тилшунослиги XX асрнинг 70-80-йилларида тилшуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида шаклланди. Матн тилшунослигининг асосий тадқиқот обьекти бўлган матн бугунги кунда тилшуносликнинг дискурс матн таҳлили, семиотика, нарратология ва психолингвистика йўналишлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилаётган бўлса-да, матн атамасининг хали хануз ягона таърифи мавжуд эмас. Адабиётларда матн атамасига берилган таърифлардан уни кенг қамровли тушунча эканини кўришимиз мумкин. Хусусан, илмий адабиётларда матнни “яхлитликни ташкил этувчи белгилар кетма-кетлиги<sup>1</sup>” эканлигини белгиловчи содда таърифлар билан қаторда “ҳамма элементлари ўзаро зич алоқада бўлган ва автор нуқтаи назаридан маълум бир мақсадга йўналтирилган номинатив-эстетик ахборотни ифодаловчи мураккаб тузилма<sup>2</sup>” сифатида баҳоловчи қарашларни ҳам кузатиш мумкин.

Рус тилшуноси Р.И.Галперин<sup>3</sup> матн деганда “тасодифликдан холи бўлган тартибли алоқа шакли<sup>4</sup>”ни тушунади. “Тасодифликдан холи бўлган тартибли алоқа шакли” бу энг аввало ёзма шаклдаги ахборотдир. Чунки тартибга солинган, чуқур тафаккур призмасидан ўтказилган, мантиқий жиҳатдан ўзаро боғланган ва тилнинг барча меъёрларига мос нутқ унинг соҳибидан тайёргарлик ва вақт талаб қиласди. Бундай талабларни амалга ошириш нутқнинг оғзаки шаклида имконсиздек кўринади. Шунга қарамасдан, Р.И.Галперин оммага тақдим этиш учун тайёрланган “нотиқлар нутқини<sup>5</sup>” тартибга солинган нутқ сифатида матн дея баҳолайди. Бундай “нотиқлар нутқига” у маърузачи, адвокат ва бошқалар томонидан тайёрланадиган нутқларни киритади. Демак, ҳар қандай оғзаки ифодаланган нутқ матн бўла олмайди. Ёзма ёки оғзаки шаклда бўлган белгилар йиғиндиси матн мақомига эга бўлиши учун улар мантиқ ва мазмун жиҳатдан ўзаро уйғунликка ва тартибга эга бўлиши керак.

Бу ўринда М.Қурбонованинг матн тушунчасига келтирган таърифи ўринлидир: “матн бу гапдан кўра йирик ҳажмли алоқа воситаси, нутқий фаолият маҳсули, муайян қонуниятлар асосида шаклланган нутқ кўриниши<sup>6</sup>”дир.

Замонавий тилшуносликнинг барча соҳаларида бўлганидек, матн тилшунослигида антропоцентрик ёндашув шаклланди, натижада матн муаллифи ва унинг адресати тадқиқотчилар

<sup>1</sup> Новый словарь иностранных слов.- by EdwART, , 2009.

[https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_fwords/35388/%D0%A2%D0%95%D0%9A%D0%A1%D0%A2](https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/35388/%D0%A2%D0%95%D0%9A%D0%A1%D0%A2)

<sup>2</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.

<sup>3</sup> Гальперин И.Р. О понятии текст // Вопросы языкоznания. – Москва, 1974. – №6. – С.22.

<sup>4</sup> Гальперин И. Р. Информативность единиц языка. М., 1974.

<sup>5</sup> Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования.—М.: Наука, 1981. 138 с.

<sup>6</sup> Қурбонова М. Матн тилшунослиги. Тошкент. Университет – 2014. 3-бет.

эътиборини тортди. У.Носирова ўзининг “Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари”<sup>7</sup>, номли илмий тадқиқотида матн лингвистикасининг ривожланиш тарихини таҳлил қиласди ва матн лингвистикасининг шахс омили билан боғлиқ даврини “поэтик матн лингвистикиси даври” сифатида алоҳида эътироф этади. Хусусан, У.Носирова матн ва унинг яратувчиси ҳамда қабул қилувчи ўртасидаги муносабатлар масалалари “... Р.О.Якобсон, Н.Н.Трошина, И.И.Ковтунова, Е.А.Атаева, Г.О.Винокур, И.А.Бескровная, Ю.П.Казарин, Л.О.Бутакова, В.А.Маслова, И.В.Бидина, А.Л.Шарандин, Ж.Н.Маслова, В.Л.Лаврухина”<sup>8</sup>лар томонидан ўрганилганлигини, ўзбек тилшуносларидан эса, А.Мамажонов, М.Йўлдошевларнинг илмий асарлари поэтик матн лингвистикаси даврини бошлаб берганлигини эътироф этади.

Шунингдек, матнга антропоцентрик ёндашув унинг “харакатсиз” турини ажратилишига туртки бўлди. Тилшуносликда “харакатсиз” матн атамаси унинг ёзма турига нисбатан қўлланилади. Ёзма матн бир шахс томонидан яратилади ва у бошқа бир шахс томонидан ўқилмагунига қадар у “харакатсиз” матн мақомини сақлаб қолади. Ўқувчи матнни ўқиш орқали нафақат ўз мақсади томон харакатланади, балки у матн муаллифининг мақсади, ўй-хаёллари ва кечинмаларини ҳам идрок этади. Бу эса ўз ўрнида адресатда муаллифининг мақсади, ўй-хаёллари ва кечинмаларига нисбатан жавобни, субъектив муносабатни, яъни модусни шаклланишига туртки бўлади.

Москальская О.И. “Грамматика текста” номли китобида матн модаллиги ҳақида шундай фикр юритади: “контекст доирасида модаллик деганда кўпинча бир жумла кесимидағи модал маъно тушунилади. Матн грамматикаси олдида жумла модаллигини матн нуқтаи назаридан ўрганиш вазифаси кўндаланг турипти. Бир жумла кесимида аниқлаб бўлмайдиган умумий қонуниятларни белгилаш зарур”<sup>10</sup>. Н.А.Селезнева “... модус тушунчаси модаллик тушунчасига кўра кенгроқ мазмунга эга эканини ва у модаллик категорияси билан бирга аксиологик баҳо, эмотив-экспрессив баҳо, ижтимоий баҳо каби категорияларни ҳам ўз ичига олишини”<sup>11</sup> айтади. Демак, модус модаллик ифодалай олмайдиган нутқ субъективининг пропозицияга нисбатан турли кўринишдаги муносабатини юзага чиқаради. Демак, пропозиция таркиби модал структурадан иборат бўлиб, у аксиологик ва эмоционал баҳо каби модус структуралари билан мураккаблашади, айни пайтда, модус тилнинг модал структурасини қамраб олади.

Матн модаллиги категоряси заминида мантиқнинг универсал категориялари мавжуд бўлиб, улар рационал онгни ташкил этади. Улар баҳо ҳамда эмоционал-экспрессив маъно оттенкаларига асос бўлади. Биз модаллик категориясини муаллифнинг коммуникатив мақсадини ва баҳо категориясини таркибига кирувчи категория сифатида кўрамиз. Шундай қилиб, модус матннинг кўпқиррали ҳодисаси бўлиб намоён бўлади<sup>12</sup>.

### Адабиётлар:

1. Гальперин И.Р. О понятии текст // Вопросы языкоznания. – Москва, 1974. – №6. – С.22.
2. Гальперин И. Р. Информативность единиц языка. М., 1974.
3. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования.—М.: Наука, 1981. 138 с.
4. Кремер И.Ю. Ментальный модус как интерпретационный компонент текста в сфере научной коммуникации.// <https://cyberleninka.ru/article/n/mentalnyy-modus-kak-interpretatsionnyy-komponent-teksta-v-sfere-nauchnoy-kommunikatsii>.
5. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. –Тошкент, «Ўқитувчи», 1992.
6. Қурбонова М. Матн тилшунослиги. Тошкент. Университет – 2014. З-бет.

<sup>7</sup> Носирова У. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2021. 13–14 бет.

<sup>8</sup> <sup>9</sup> Носирова У. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2021. 13-бет.

<sup>9</sup> Гальперин Р.И. О понятии текст // Вопросы языкоznания. – Москва, 1974. – №6. – С.22.

<sup>10</sup> Москальская О.И. Грамматика текста.

<sup>11</sup> Селезнева Н.А. Прагматическая семантика модальной рамки. Электронный адрес: [https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch\\_2009\\_ii\\_00012.pdf](https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch_2009_ii_00012.pdf) (Дата обращения: 16.11.2020)

<sup>12</sup> Кремер И.Ю. Ментальный модус как интерпретационный компонент текста в сфере научной коммуникации.// <https://cyberleninka.ru/article/n/mentalnyy-modus-kak-interpretatsionnyy-komponent-teksta-v-sfere-nauchnoy-kommunikatsii>

- 
7. Новый словарь иностранных слов.- by EdwART, , 2009.  
[https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_fwords/35388/%D0%A2%D0%95%D0%9A%D0%A1%D0%A2](https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/35388/%D0%A2%D0%95%D0%9A%D0%A1%D0%A2)
  8. Носирова У. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Фарғона, 2021
  9. Селезнева Н.А. Прагматическая семантика модальной рамки. Электронный адрес:  
[https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch\\_2009\\_ii\\_00012.pdf](https://www.pglu.ru/upload/iblock/dbf/uch_2009_ii_00012.pdf) (Дата обращения: 16.11.2020)